

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ  
ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.02.2018.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ  
ИНСТИТУТИ**

**АЮБОВ ГАЙРАТЖОН ТУХТАСИНОВИЧ**

**ИНШООТЛАРНИ ПЛАСТИНАСИМОН КОНТИНУАЛЬ МОДЕЛЬ  
АСОСИДА ФАЗОВИЙ ҲИСОБЛАШНИНГ ДИНАМИК УСУЛЛАРИ**

**01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Аюбов Гайратжон Тухтасинович**

Иншоотларни пластинасимон континуаль модель асосида фазовий  
ҳисоблашнинг динамик усуллари.....3

**Аюбов Гайратжон Тухтасинович**

Динамические методы пространственного расчета сооружений на основе  
пластинчатой континуальной модели .....25

**Ayubov Gayratjon Tuxtasinovich**

Dynamic methods of spatial calculation of structures based on a plate  
continuum model.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....51

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ  
ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.02.2018.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ  
ИНСТИТУТИ**

**АЮБОВ ГАЙРАТЖОН ТУХТАСИНОВИЧ**

**ИНШООТЛАРНИ ПЛАСТИНАСИМОН КОНТИНУАЛЬ МОДЕЛЬ  
АСОСИДА ФАЗОВИЙ ҲИСОБЛАШНИНГ ДИНАМИК УСУЛЛАРИ**

**01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/T19 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (реюзме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.instmech.uz](http://www.instmech.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Усаров Махаматали Корабоевич**

физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Хожметов Гоибназар Хадиевич**

техника фанлари доктори, профессор

**Ахмедов Ақром Бурханович**

физика-математика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.28.02.2018.T/FM.61.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «27» ноябрь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33, 1 - мажлислар зали. Тел.: (99871) 262-71-52; факс: (99871) 262-71-32, e-mail: [instmech@academy.uz](mailto:instmech@academy.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (95 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39, Тел.: (99871) 237-46-68; факс: (99871) 237-38-79.

Диссертация автореферати 2019 йил «12» ноябрь куни тарқатилди.  
(2019 йил «12» ноябрдаги 1 рақамли реестр баённомаси).

**М.М. Мирсаидов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, ЎзР ФА академиги

**Н.М. Икромов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD

**Р.А. Абиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., к.и.х.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда замонавий шаҳар қурилиш архитектураси қаватлари ва режадаги узунлиги оширилган биноларни қуришга йўналтирилган. Бундай кўп қаватли бинолар сейсмик таъсирнинг йўналишини олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган юқори сейсмик ҳудудларда барпо қилинмоқда. Уларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш, лойиҳалаш ва қурилишда алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда турли хил ҳисоблаш моделлари ва услубларини, иншоотларни мураккаб конструкцион хусусиятларини ҳисобга олиб бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ҳамда сейсмик хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадқиқотлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Ривожланган давлатларда, жумладан АҚШ, Япония, Хитой, Хиндистон, Туркия ва бошқа давлатларда кучли зилзилалар таъсирини ҳисобга олган ҳолда мураккаб конфигурацияли бино ва иншоотларнинг турли хил фазовий моделлари, ҳисоблаш усуллари ва компьютер дастурларидан фойдаланиб лойиҳалаш борасидаги муаммоларини ҳал этиш муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда сейсмик фаол ҳудудларда жойлашган бино ва иншоотларнинг динамик ҳолатини тасвирловчи турли хил фазовий моделларини ишлаб чиқиш, уларнинг динамик характеристикаларини аниқлаш ва амалий масалаларининг ечиш усуллари ривожлантирилмоқда. Бу борада, жумладан мураккаб фазовий тизим сифатида турли конструктив ечимга эга бўлган биноларнинг динамик моделлари, сейсмик кучлар таъсирида унинг конструкцияларида ҳосил бўладиган кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблаш услублари ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда хавфли кесимларини аниқлаш учун мақсадли илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамызда бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ва уларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда қаватлари ва режадаги узунлиги оширилган, мураккаб конфигурацияли, сейсмик ҳудудларда бир жинсли бўлмаган грунт шароитида жойлашган бино ва иншоотларни қуришда уларни бўлиши мумкин бўлган сейсмик таъсирларга мустаҳкамлигини ошириш мақсадида динамик ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш талаб этилади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...шаҳарларда энергия жиҳатдан самарадор арзон кўп квартирали уйларни қуриш,... реконструкция қилиш ва мавжудларини капитал таъмирлаш орқали аҳоли турмуш тарзини яхшилаш...»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан бино ва иншоотларни сейсмик таъсирларга ҳисоблаш усулларини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

такомиллаштириш, пластинасимон континуаль модель асосида биноларни динамик характеристикаларини аниқлаш, бино ва иншоотларни кучланганлик-деформацияланган ҳолатини сонли ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сон «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги 71-сон «Фавқулодда ҳолатларни прогноз қилиш ва олдини олиш бўйича Давлат дастурини тасдиқлаш» тўғрисидаги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» ва XIV. «Сейсмология, бинолар ва иншоотлар сейсмик хавфсизлиги ва қурилиш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бино ва иншоотлар зилзилабардошлиги муаммолари бўйича мамлакатимизда ва хорижий мамлакатларда бир қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Бино ва иншоотлар зилзилабардошлигининг илмий асослари механика соҳасидаги қуйидаги олимлар, К.С.Завриев, А.Г.Назаров, М.Т.Уразбаев, Т.Р.Рашидов, Т.Буриев, С.В.Пономарев, А.А.Шаалимов, Э.Е.Хачиян, В.А.Быховский, И.И.Гольденблат, С.В.Поляков, И.Л.Корчинский, В.Т.Рассказовский, В.В.Болотин, М.Ф.Барштейн, В.М.Лятхер, С.В.Медведев, Н.А.Николаенко, А.Р.Ржаницин, Ф.Омори, М.А.Био, Г.В.Хаузнер, Р.Р.Мартел, Т.Ш.Ширинкулов, Я.Н.Мубараков, М.М.Мирсаидов, Г.Х.Хожметов, Б.М.Мардонов, И.Мирзаев, А.Абдусатторов, К.С.Абдурашидов, К.С.Султанов, У.Ш.Шамсиев, И.С.Сафаров, Х.Худайназаров, Р.Х.Мухутдинова, Т.З.Султанов, К.Д.Салямова, Б.Э.Хусанов, А.Б.Ахмедов, С.Ж.Раззаков, Х.С.Сагдиев, М.К.Усаров, Д.Ф.Руми, З.Р.Тешабаев ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Улар томонидан бино ва иншоотлар зилзилабардошлигининг статик ва динамик назариялари ишлаб чиқилган ва ривожлантирилган. Турли кўринишдаги сейсмик таъсирларда бино ва иншоотларни ҳисоблашнинг турли моделлари таклиф қилинган.

Ҳозирги вақтдаги ҳисоблаш услублари алоҳида аҳамиятли тақрибий услубларга асосланган бўлиб, биноларнинг зилзила натижасида структуравий бузилиши ва уларнинг оқибатларининг таҳлили, объектларни моделлаштириш (консол кўринишидаги) ва зилзилабардошликка ҳисоблашдаги

мавжуд бўлган камчиликларни кўрсатмоқда. Шу сабабли, эгилиш, силжиш, чўзилиш (сиқилиш) ва буралишга ишлайдиган, балка ва пластинасимон элементлардан ташкил топган биноларнинг фазовий конструкцияларининг тебранишини динамик масалалари, долзарб масалалардан ҳисобланади, бу тизимларнинг динамик ҳисоблари балкали ва пластинасимон элементлари боғланишининг реал шароитларини ҳисобга олувчи, конструкция элементларининг фазовий характерини акс эттирувчи услуб асосида амалга оширилади. Юқорида келтирилганлар бино ва иншоотларни сейсмик таъсирлардаги кучланганлик деформацияланганлик ҳолати тадқиқотларига катта ҳисса ҳисобланади ва биноларни лойиҳалашдаги ҳажмий режавий ва конструктив ечимларни такомиллаштириш имконини беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф4-ФА-Ф049 «Материалларни анизотроп хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қалин деворли пластина ва қобикларни эгилиши ва тебранишининг бимоментли назариясини ишлаб чиқиш» (2012–2016); ФА-А14-Ф022 «Актив сейсмик ҳимояланиш ва тўлқинлар жараёнларини ҳисобга олган ҳолда биноларни ҳисоблашнинг самарали фазовий усулларини ишлаб чиқиш» (2015–2017) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бимоментли назария асосида биноларнинг динамик пластинасимон континуаль моделини такомиллаштириш ва сейсмик мустаҳкамликка ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бино ва иншоотлар зилзилабардошлигининг амалий масалаларини ечишга қўлланилган динамик фазовий пластинасимон моделларни такомиллаштириш;

бинонинг пластинасимон континуаль моделининг конструктив хусусиятларини эътиборга олган ҳолда келтирилган эластиклик модули ва зичлигини аниқлаш ифодаларини ишлаб чиқиш;

сейсмик таъсирларда кўп қаватли бинолар ва пластинасимон иншоотларни пластинасимон континуаль модель доирасида бўйлама ва кўндаланг тебранишларининг сонли ечиш усулларини ишлаб чиқиш;

кўп қаватли биноларда тезланишлар, максимал кўчишлар, динамик кўрсаткичларни аниқлаш дастурларини ва алгоритмларини, динамик ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш;

сейсмик таъсирларда биноларнинг пластинасимон моделини қўллаш асосида биноларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳамда фазовий конструкцияларининг ҳавфли жойлари (кесимлар)ни ҳисоблаш дастурлари ва услубларини ишлаб чиқиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кўп қаватли бино ва иншоотларнинг динамик пластинасимон континуаль модели олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** пластинасимон континуаль модель асосида бимоментларни ҳисобга олиб бино ва иншоотларни кучланганлик-

деформацияланганлик ҳолати ва динамик характеристикаларини аниқлаш жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси, қалин пластиналарнинг эгилиши ва тебраниши назариясининг усуллари, қурилиш механикаси, математик моделлаштириш, алгоритмизация ва сейсмик тебранишлар назариясининг усуллари, динамик характеристикаларни сонли ҳисоблаш учун чекли айирмалар усули, ҳисоблаш экспериментлари усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пластиналарнинг бимоментли назариясининг асосий муносабатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган пластинасимон континуаль модель асосида бино ва иншоотларни сейсмик таъсирларга ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилган;

геометрик тузилиши ва конструктив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бино пластинасимон континуаль моделини келтирилган эластиклик модули ва зичликларини аниқлашнинг аналитик ифодалари ишлаб чиқилган;

сейсмик таъсирларда пластинасимон континуаль модель доирасида кўп қаватли биноларнинг фазовий тебраниш шакллари ҳисобга олган ҳолда кўндаланг ва бўйлама тебранишлар масалаларини сонли ечиш усуллари ишлаб чиқилган;

сейсмик таъсирларда пластинасимон континуаль модель асосида биноларни конструктив хосликларини ҳисобга олган ҳолда динамик ҳисоблаш алгоритми, дастури ва конструкцияларнинг хавфли кесимлари, кинематик ва динамик характеристикаларини аниқлаш услублари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бимоментларни ҳисобга олиб пластинасимон модель асосида динамик кучлар таъсиридаги бино ва иншоотларни фазовий ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

бўйлама ва кўндаланг йўналишлардаги сейсмик тебранишларда бинонинг хавфли кесимларидаги максимал кўчишлар ва тезланишларни сонли натижаларини олиш ва чизиқли масалаларни ҳисоблаш жараёнини автоматлаштириш имконини берувчи ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган (№ DGU 05312);

пластинасимон континуаль модель доирасида резонанс усули асосида кўп қаватли бинонинг динамик характеристикалари аниқланган (№ DGU 05532);

фазовий тўғон типдаги пластинасимон гидротехник ва девор иншоотларининг куч факторларини сонли ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги эластиклик ва деформацияланувчи қаттиқ жисм механикасининг умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари ҳамда бино ва иншоотларни ҳисоблашнинг қутисимон моделларида фойдаланиб тадқиқотлар ўтказган бошқа тадқиқотчилар натижаларига мос тушиши ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сейсмик таъсирларда бинонинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатига фазовий сонли ҳисоблашларнинг ишлаб чиқилган усулларида фойдаланган ҳолда кўп қаватли биноларнинг пластинасимон континуаль моделини такомиллаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган бино ва иншоотларнинг фазовий пластинасимон континуаль моделларини қўллаган ҳолда динамик ҳисоблаш усуллари ва дастурлари ёрдамида биноларнинг хавфли кесимларини аниқлаш, улардаги кўчишлар, тезланишлар ва кучланишларнинг максимал қийматларини ҳисоблаш ҳамда зилзила вақтида мавжуд сейсмик хавфсизлигини баҳолаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иншоотларнинг пластинасимон континуаль моделидан фойдаланиб фазовий ҳисоблашнинг динамик усуллари тадқиқотлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

динамик юкламалар таъсиридаги биноларнинг пластинасимон конструкцияларида хавфли зоналарни аниқлаш учун ҳисоблаш услуги “Фарғонафукаролойиҳа” МЧЖ да “Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Аэропорт кўчасида жойлашган 250 ўринли №5 оилавий поликлиника қурилиши” объектининг динамик ҳисоблаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 4 февралдаги 770/06–18-сонли маълумотномаси). Натижада бино конструкциясининг ишончилигини 15–20% га ошириб, бинонинг зилзилабардошлигини таъминлаш имконини берган;

пластинасимон континуаль модель асосидаги ҳисоблаш услуги “Шўртан газ кимё комбинатининг тозаланган метан базасида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш заводи ҳудудида жойлашган бошқарув-маиший комплекс қурилиши” объектида бинони сейсмик таъсирларга ҳисоблашга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 4 февралдаги 770/06–18-сонли маълумотномаси). Натижада ҳисоблаш жараёнига сарфланадиган вақтни 1,2 баробар қисқартириш имконини берган;

кўп қаватли бино ва иншоотларни бўйлама ва кўндаланг тебранишлари ҳақидаги масалаларни ечиш усули, шунингдек ҳисоблаш дастури “Шўртан газ кимё комбинатининг тозаланган метан базасида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш заводи ҳудудида жойлашган бошқарув-маиший комплекс қурилиши” объектининг лойиҳалаш ва қуриш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 4 февралдаги 770/06–18 - сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳалаш ишларини аниқлиги ва самарадорлигини 18% ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари шакиллантирилиб, тадқиқотларнинг объект ва предметлари келтирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги ифодаланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ва тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиғи ёритилган, тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бино ва иншоотларни сейсмик мустаҳкамликга ҳисоблаш бўйича илмий ишлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида сейсмик тебранишларда диссертация мавзуси бўйича мавжуд адабиётлар таҳлили, турли хил назариялар асосида бино ва иншоотларнинг мавжуд фазовий пластинасимон ва текис ҳисоблаш услублари келтирилган, ҳамда бинонинг пластинасимон континуаль модели қурилган. Сейсмик таъсирларда баъзи қалин ортотроп пластиналарнинг келтирилган эластиклик модулини ҳисобга олган ҳолда кўп қаватли биноларнинг фазовий динамик ҳаракатини моделлаштиришни мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Жаҳонда кўплаб мамлакатлар, шу қаторида бизнинг республикамиз ҳам сейсмик фаол ҳудудда жойлашган бўлиб, бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва қуришда сейсмик таъсирларни ҳисобга олиш долзарб масала ҳисобланади.

Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги бўйича қурилиш меъёрларида уларнинг ҳисобий схемаси қават сатҳида тўпланган массалар билан қистириб маҳкамланган эластик стержень кўринишида олинган.

Бино қурилиш механикаси курсида ўрганилувчи мураккаб объектлар ҳисобланади. Кўп қаватли йирик бинолар элементларининг хилма-хиллиги ва мураккаб тузилишга эга эканлиги учун бугунги кунда уларни кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатига динамик ҳисоблашнинг универсал усуллари мавжуд эмас. Бино ва иншоотлар зилзилабардошлиги назарияси қурилиш механикасининг долзарб йўналишларидан бири сифатида ривожланмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, кўплаб кучли зилзилалар оқибатларининг таҳлили бино ва иншоотларни зилзилабардошликка ҳисоблаш усуллариининг камчиликларини кўрсатиб берди.

Ҳозирги кунда фойдаланиладиган иншоотларнинг меъёрий ҳисобий схемаси сейсмик таъсирларда уларнинг ҳолатини ҳақиқий кўринишини тўлиқ

ёритиб бермайди. Мисол учун, бир ўлчамли консол балка ёки бир неча тўпланган массалардан ташкил топган стержень кўринишидаги ҳисобий схема бино ва иншоотлар конструкцияларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини реал характерини тўлиқ акс эттириб бера олмайди. Юқоридаги масалани ҳисобга олиш бино ва иншоотларни динамик (сейсмик) таъсирларда кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ қилиш услубининг ривожланишига сезиларли даражада ҳисса қўшади ва уларни лойиҳалашда биноларнинг конструктив ва ҳажмий-режавий ечимларини такомиллаштиришга имкон беради.

Баъзи бир яқинлашишлар билан яхлит ортотроп, мустаҳкамлиги кам материалдан ташкил топган қалин консоль пластина деб қараш мумкин бўлган параллеллапипед кўринишидаги уч ўлчамли континуаль жисмнинг тебранишларини бино тебраниши билан солиштириш мумкин бўлади. Сеймик тебранишлар жараёнида пластинасимон ва балкасимон элементлар чўзилиш-сиқилиш, силжиш, эгилиш ва буралиш деформациялари юзага келиб қаралаётган континуаль уч ўлчамли жисмнинг фазовий деформациясини таъминлаб беради.

Континуаль моделнинг моҳияти, зич жойлашган тўр тугунларининг соҳаси унга тенг кучли бўлган қобик ёки пластиналар билан алмаштириш мумкинлиги билан ифодаланади.

Континуаль моделлаштириш фазовий дискрет тизимларни ҳисоблашда кенг фойдаланилади. Мисол учун, математик моделлаштириш усуллари авиация ва кemasозликда конструкцияларини ҳисоблашда фойдаланилган. Қистирилган қовурғалар билан маҳкамланган тўғри бурчак пластиналар кенг тарқалган конструкциялардан бири бўлиб, аниқ дискрет-континуаль модель бўйича ривожланган сонли ва аналитик усуллар ҳисоби бўйича амалга оширилади. Бу ерда ижобий натижаларга чекли элементлар усули ёрдамида эришилган.

Пластинасимон модель сифатида кўплаб муҳандислик иншоотларини келтириш мумкин. Мисол учун, гидротехник иншоотлари тузилишига кўра қалинлиги ўзгарувчан қалин пластиналарга яқин.

Диссертацияда ҳисоб ишларини бажаришда биноларнинг конструктив ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда, пластинасимон моделлар такомиллаштирилган. Ушбу модель доирасида ишлаб чиқилган бино конструкцияларининг тебраниш масалаларини сонли-аналитик ечиш усули таклиф қилинган, ҳамда бу усул конструкцияларнинг фазовий ишлашини ҳисобга олади. Юқоридагилар орқали ушбу диссертация ишининг долзарблиги аниқланади, шу билан аниқлаштирилган услуб орқали бино ва иншоотлар зилзилабардошлигини ҳисоблаш аниқлигини оширишга имкон беради.

Диссертациянинг **«Пластинасимон континуаль модель асосида биноларнинг сейсмик тебраниши тўғрисида масалаларни ифодалаш»** деб номланган иккинчи бобида қалин пластиналарнинг бимоментли назариясининг асосий ҳаракат тенгламалари ва муносабатлари келтирилган. Қалин пластиналарнинг бимоментли назарияси чузувчи ва кесувчи кучлар,

эгувчи ва буровчи моментлардан ташқари бимоментларни ичига олади ҳамда кучланиш ва деформация тензорларининг барча компонентларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган:  $\sigma_{ij}$ ,  $\varepsilon_{ij}$  ( $i, j=1,3$ ) ва ҳар бири тегишли равишда тўққизта икки ўлчовли тенгламаларнинг чегаравий шартлари асосида шаклланган иккита бир-бирига боғлиқ бўлмаган масалалар билан ифодаланган.

Кўндаланг сиқилишни ҳисобга олган ҳолда чўзилиш-сиқилиш шароитида юзага келувчи эгувчи ва буровчи моментлар, кўндаланг, уринма ва кесувчи кучлар ҳамда бимоментларнинг аниқ ифодалари келтирилган, эгилишда эса – пластина қалинлиги бўйича кўндаланг силжишни ҳисобга олган ҳолда келтирилган. Кучлар, моментлар ва бимоментларга нисбатан бинонинг пластинасимон континуаль моделининг ҳаракат тенгламалари қурилган.

Ушбу бобда пластиналарнинг бимоментлигининг назарияси доирасида ишлаб чиқилган бинонинг пластинасимон континуаль модели такомиллаштирилган. Геометрик ва конструктив хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бинонинг пластинасимон модели учун келтирилган эластиклик модуллари ва зичлигини аниқлаш учун формулалар тузилган. Пластиналарни бимоментли назариясини тавсифлаш учун кинематик функциялар ва бимоментларнинг умумлашган тушунчалари киритилди.

$\bar{\psi}_1$ ,  $\bar{\psi}_2$ ,  $\bar{\beta}_1$ ,  $\bar{\beta}_2$ ,  $\bar{u}_1$ ,  $\bar{u}_2$ ,  $\bar{r}$ ,  $\bar{\gamma}$ ,  $\bar{W}$  умумлашган тўққизта функциялар ёрдамида бимоментлар ва кучлар орқали биринчи масала шакллантирилган.

Бўйлама ва тангенциал зўриқишлар қуйидаги ифодалар ёрдамида аниқланади:

$$N_{11} = \int_{-h}^h \sigma_{11} dz, \quad N_{12} = \int_{-h}^h \sigma_{12} dz, \quad N_{22} = \int_{-h}^h \sigma_{22} dz. \quad (1)$$

Бўйлама ва тангенциал бимоментлар қуйидаги кўринишни олади:

$$T_{11} = \frac{1}{h^2} \int_{-h}^h \sigma_{11} z^2 dz, \quad T_{12} = \frac{1}{h^2} \int_{-h}^h \sigma_{12} z^2 dz, \quad T_{22} = \frac{1}{h^2} \int_{-h}^h \sigma_{22} z^2 dz. \quad (2)$$

Бимоментлар интенсивлиги  $\bar{p}_{13}$ ,  $\bar{p}_{23}$ ,  $\bar{p}_{33}$  ва  $\bar{\tau}_{13}$ ,  $\bar{\tau}_{23}$ ,  $\bar{\tau}_{33}$  уринма  $\sigma_{13}$ ,  $\sigma_{23}$ ,  $\sigma_{33}$  кучланишларга нисбатан қуйидаги ифодалар ёрдамида аниқланади:

$$\bar{p}_{13} = \frac{1}{2h^2} \int_{-h}^h \sigma_{13} z dz, \quad \bar{p}_{23} = \frac{1}{2h^2} \int_{-h}^h \sigma_{23} z dz, \quad \bar{p}_{33} = \frac{1}{2h} \int_{-h}^h \sigma_{33} dz, \quad (3)$$

$$\bar{\tau}_{13} = \frac{1}{2h^4} \int_{-h}^h \sigma_{13} z^3 dz, \quad \bar{\tau}_{23} = \frac{1}{2h^4} \int_{-h}^h \sigma_{23} z^3 dz, \quad \bar{\tau}_{33} = \frac{1}{2h^3} \int_{-h}^h \sigma_{33} z^2 dz. \quad (4)$$

Максимал кучланишларни аниқлаш учун ифодалар қуйидаги кўринишни

олади:

$$\bar{\sigma}_{11} = \left( E_{11} - \frac{E_{13}}{E_{33}} E_{31} \right) \frac{\partial \bar{u}_1}{\partial x_1} + \left( E_{12} - \frac{E_{13}}{E_{33}} E_{32} \right) \frac{\partial \bar{u}_2}{\partial x_2} + \frac{E_{13}}{E_{33}} \bar{q}_3, \quad (5)$$

$$\bar{\sigma}_{22} = \left( E_{21} - \frac{E_{23}}{E_{33}} E_{31} \right) \frac{\partial \bar{u}_1}{\partial x_1} + \left( E_{22} - \frac{E_{23}}{E_{33}} E_{32} \right) \frac{\partial \bar{u}_2}{\partial x_2} + \frac{E_{23}}{E_{33}} \bar{q}_3, \quad (6)$$

$$\bar{\sigma}_{12} = G_{12} \left( \frac{\partial \bar{u}_1}{\partial x_2} + \frac{\partial \bar{u}_2}{\partial x_1} \right). \quad (7)$$

Ташқи кучлар билан аниқланадиган ҳаракат тенгламалари системасининг кучга оид ҳадларини қуйидаги кўринишда ифодаланади

$$\bar{q}_k = \frac{q_k^{(+)} - q_k^{(-)}}{2}, \quad (k=1,2), \quad \bar{q}_3 = \frac{q_3^{(+)} + q_3^{(-)}}{2}. \quad (8)$$

Биринчи масала кучлар ва бимоментлар таъсиридаги ҳаракат тенгламаларидан иборат. Бўйлама йўналишда йўналган сейсмик таъсирдаги бинонинг ҳаракат тенгламаси сифатида фазовий эластиклик назарияси доирасида ички кучлар ва бимоментларни ҳисобга олган ҳолда қурилган қалин пластинанинг бўйлама тебранишлари тенгламаларини оламиз:

$$\frac{\partial N_{11}}{\partial x_1} + \frac{\partial N_{12}}{\partial x_2} + 2\bar{q}_1 = \rho H \ddot{\bar{\psi}}_1, \quad \frac{\partial N_{21}}{\partial x_1} + \frac{\partial N_{22}}{\partial x_2} + 2\bar{q}_2 = \rho H \ddot{\bar{\psi}}_2, \quad (9)$$

$$\frac{\partial T_{11}}{\partial x_1} + \frac{\partial T_{12}}{\partial x_2} - 4\bar{p}_{13} + 2\bar{q}_1 = \rho H \ddot{\bar{\beta}}_1, \quad \frac{\partial T_{12}}{\partial x_1} + \frac{\partial T_{22}}{\partial x_2} - 4\bar{p}_{23} + 2\bar{q}_2 = \rho H \ddot{\bar{\beta}}_2, \quad (10)$$

$$\frac{\partial \bar{p}_{13}}{\partial x_1} + \frac{\partial \bar{p}_{23}}{\partial x_2} - \frac{2\bar{p}_{33}}{H} + \frac{2\bar{q}_3}{H} = \rho \ddot{\bar{r}}, \quad \frac{\partial \bar{\tau}_{13}}{\partial x_1} + \frac{\partial \bar{\tau}_{23}}{\partial x_2} - \frac{6\bar{\tau}_{33}}{H} + \frac{2\bar{q}_3}{H} = \rho \ddot{\bar{\gamma}}, \quad (11)$$

$$\bar{u}_k = \frac{1}{4} (21\bar{\beta}_k - 3\bar{\psi}_k) - \frac{1}{20} H \frac{\partial \bar{W}}{\partial x_k} + \frac{1}{20} \frac{H \bar{q}_k}{G_{k3}} \quad (k=1,2), \quad (12)$$

$$\bar{W} = \frac{1}{2} (21\bar{\gamma} - 7\bar{r}) - \frac{1}{30} H \left( \frac{E_{31}}{E_{33}} \frac{\partial \bar{u}_1}{\partial x_1} + \frac{E_{32}}{E_{33}} \frac{\partial \bar{u}_2}{\partial x_2} \right) + \frac{H \bar{q}_3}{30 E_{33}}. \quad (13)$$

Иккинчи масалани ёритиш учун  $\tilde{\psi}_1, \tilde{\psi}_2, \tilde{u}_1, \tilde{u}_2, \tilde{\beta}_1, \tilde{\beta}_2, \tilde{r}, \tilde{\gamma}, \tilde{W}$  тўққизта номаълум функциялар ёрдамида кучлар, момент ва бимоментларни киритамиз.

Иккинчи масала кучлар, моментлар ва бимоментлар таъсиридаги ҳаракат тенгламаларидан иборат. Учта тенгламалардан иборат биринчи система моментлар ва кесувчи кучлар учун иккита тенгламадан ташкил топади.

Эгувчи ва бурувчи моментлар қуйидаги ифодадан аниқланади

$$M_{11} = \int_{-h}^h \sigma_{11} z dz, \quad M_{12} = \int_{-h}^h \sigma_{12} z dz, \quad M_{22} = \int_{-h}^h \sigma_{22} z dz. \quad (14)$$

Кесувчи кучлар учун ифодалар қуйидаги кўринишни олади:

$$Q_{13} = \int_{-h}^h \sigma_{13} dz = G_{13} (2\tilde{u}_1 + H \frac{\partial \tilde{r}}{\partial x_1}), \quad Q_{23} = \int_{-h}^h \sigma_{23} dz = G_{23} (2\tilde{u}_2 + H \frac{\partial \tilde{r}}{\partial x_2}). \quad (15)$$

Қолган тенгламаларни қуриш учун қуйидаги ифодалар ёрдамида аниқланадиган пластинанинг силжиши ва эгилишидан пайдо бўладиган бимоментлар киритилган:

$$P_{11} = \frac{1}{h^2} \int_{-h}^h \sigma_{11} z^3 dz, \quad P_{12} = \frac{1}{h^2} \int_{-h}^h \sigma_{12} z^3 dz, \quad P_{22} = \frac{1}{h^2} \int_{-h}^h \sigma_{22} z^3 dz. \quad (16)$$

$\tilde{p}_{13}$ ,  $\tilde{p}_{23}$  ва  $\tilde{p}_{33}$  кўндаланг нормал ва уринма бимоментлар интенсивлиги қуйидаги ифодалар ёрдамида аниқланади

$$\tilde{p}_{13} = \frac{1}{2h^3} \int_{-h}^h \sigma_{13} z^2 dz, \quad \tilde{p}_{23} = \frac{1}{2h^3} \int_{-h}^h \sigma_{23} z^2 dz, \quad (17)$$

$$\tilde{p}_{33} = \frac{1}{2h^3} \int_{-h}^h \sigma_{13} z dz, \quad \tilde{\tau}_{33} = \frac{1}{2h^3} \int_{-h}^h \sigma_{13} z^3 dz. \quad (18)$$

Максимал кучланишларни аниқлаш учун ифодалар қуйидаги кўринишларни олади:

$$\tilde{\sigma}_{11} = \left( E_{11} - \frac{E_{13}}{E_{33}} E_{31} \right) \frac{\partial \tilde{u}_1}{\partial x_1} + \left( E_{12} - \frac{E_{13}}{E_{33}} E_{32} \right) \frac{\partial \tilde{u}_2}{\partial x_2} + \frac{E_{13}}{E_{33}} \tilde{q}_3, \quad (19)$$

$$\tilde{\sigma}_{22} = \left( E_{21} - \frac{E_{23}}{E_{33}} E_{31} \right) \frac{\partial \tilde{u}_1}{\partial x_1} + \left( E_{22} - \frac{E_{23}}{E_{33}} E_{32} \right) \frac{\partial \tilde{u}_2}{\partial x_2} + \frac{E_{23}}{E_{33}} \tilde{q}_3, \quad (20)$$

$$\tilde{\sigma}_{12} = G_{12} \left( \frac{\partial \tilde{u}_1}{\partial x_2} + \frac{\partial \tilde{u}_2}{\partial x_1} \right). \quad (21)$$

Ташқи кучлар орқали аниқланадиган ҳаракат тенгламалари системасининг кучга оид ҳадларини қуйидаги кўринишда ифодаланган

$$\tilde{q}_k = \frac{q_k^{(+)} + q_k^{(-)}}{2} \quad (k=1,2), \quad \tilde{q}_3 = \frac{q_3^{(+)} - q_3^{(-)}}{2}. \quad (22)$$

Эгувчи, буровчи моментларга нисбатан пластинанинг кўндаланг тебраниш тенгламалари ва эластиклик назарияси тенгламаси асосида қурилган кўндаланг, бўйлама бимоментлар ва кесувчи кучларга нисбатан

қуйидаги кўринишда ёзилган:

$$\frac{\partial M_{11}}{\partial x_1} + \frac{\partial M_{12}}{\partial x_2} - Q_{13} + H\tilde{q}_1 = \frac{H^2}{2} \rho \ddot{\tilde{\psi}}_1, \quad \frac{\partial M_{21}}{\partial x_1} + \frac{\partial M_{22}}{\partial x_2} - Q_{23} + H\tilde{q}_2 = \frac{H^2}{2} \rho \ddot{\tilde{\psi}}_2, \quad (23)$$

$$\frac{\partial P_{11}}{\partial x_1} + \frac{\partial P_{12}}{\partial x_2} - 3H\tilde{p}_{13} + H\tilde{q}_1 = \frac{H^2}{2} \rho \ddot{\tilde{\beta}}_1, \quad \frac{\partial P_{21}}{\partial x_1} + \frac{\partial P_{22}}{\partial x_2} - 3H\tilde{p}_{23} + H\tilde{q}_2 = \frac{H^2}{2} \rho \ddot{\tilde{\beta}}_2, \quad (24)$$

$$\frac{\partial Q_{13}}{\partial x_1} + \frac{\partial Q_{23}}{\partial x_2} + 2\tilde{q}_3 = \rho H \ddot{\tilde{r}}, \quad H \frac{\partial \tilde{p}_{13}}{\partial x_1} + H \frac{\partial \tilde{p}_{23}}{\partial x_2} - 4\tilde{p}_{33} + 2\tilde{q}_3 = H \rho \ddot{\tilde{\gamma}}, \quad (25)$$

$$\tilde{u}_k = \frac{1}{2} (21\tilde{\beta}_k - 7\tilde{\psi}_k) - \frac{1}{30} H \frac{\partial \tilde{W}}{\partial x_k} + \frac{1}{30} \frac{H\tilde{q}_k}{G_{k3}}, \quad (k=1,2), \quad (26)$$

$$\tilde{W} = \frac{1}{4} (21\tilde{\gamma} - 3\tilde{r}) - \frac{1}{20} H \left( \frac{E_{31}}{E_{33}} \frac{\partial \tilde{u}_1}{\partial x_1} + \frac{E_{32}}{E_{33}} \frac{\partial \tilde{u}_2}{\partial x_2} \right) + \frac{H\tilde{q}_3}{20E_{33}}. \quad (27)$$

Бинонинг пластинасимон моделининг келтирилган механик характеристикаларини аниқлаб олинади. Пластинасимон моделни келтирилган зичлик ва эластиклик модулини аниқлашда бино бир қанча қутилар (хоналар)дан иборат деб ҳисобланади.

Бинонинг келтирилган зичлиги қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$m_{np} = \rho_{пл} V_1 = \rho_{np} V_0. \quad (28)$$

Ушбу ифодадан келтирилган зичлик ифодаси топилади:

$$\rho_{np} = \rho_{пл} \frac{V_1}{V_0}, \quad (29)$$

бу ерда:  $V_0$  – бинонинг бир қаватининг ҳажми;  $V_1$  – бинонинг бир қаватини ташкил қилувчи плиталар ҳажми

$$V_0 = ab_1 H, \quad V_1 = 2ab_1 h_1 + ab_1 h_2 + 2Hb_1 h_1 + (\kappa - 2)Hb_1 h_2 + aHh_2, \quad (30)$$

бу ерда  $a$ ,  $H$  – бинонинг узунлиги ва эни;  $b_1$  – бинонинг бир қавати баландлиги;  $k$  – бинонинг ички кўндаланг деворлари сони;  $h_1$  – ташқи юк кўтарувчи деворларнинг қалинлиги;  $h_2$  – ички деворлар қалинлиги;  $h_{пер}$  – ораёпма қалинлиги.

Бинонинг келтирилган эластиклик модуллари ва зичлиги аналитик кўринишда умумий ҳолда қуйидаги ифодалар ёрдамида аниқланади:

$$E_1^{np} = \xi_{11} E_0, \quad E_2^{np} = \xi_{22} E_0, \quad E_3^{np} = \xi_{33} E_0, \quad (31)$$

$$G_{12}^{np} = \xi_{12} G_0, \quad G_{13}^{np} = \xi_{13} G_0, \quad G_{23}^{np} = \xi_{23} G_0.$$

Бинонинг келтирилган зичлиги қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади

$$\rho_{np} = \rho_{пл} \xi_0. \quad (32)$$

$\xi_{11}$ ,  $\xi_{22}$ ,  $\xi_{33}$ ,  $\xi_{12}$ ,  $\xi_{13}$ ,  $\xi_{23}$ ,  $\xi_0$  коэффицентлар қийматлари бинонинг ҳар бир ячейкаси (хоналари) учун иккита фазовий ўзгарувчи функция

кўринишида аниқланади,  $E_0, G_0$  – бинонинг энг мустаҳкам юк кўтарувчи панелининг эластиклик ва силжиш модуллари. Бинонинг келтирилган эластиклик модулини аниқлашда қуйидаги муносабатдан фойдаланилди:

$$\xi_{11} = \alpha \frac{S_{11}}{S_{01}}, \quad \xi_{22} = \alpha \frac{S_{22}}{S_{02}}, \quad \xi_{33} = \alpha \frac{S_{33}}{S_{03}}, \quad \xi_{12} = \alpha \frac{S_{12}}{S_{01}}, \quad \xi_{13} = \alpha \frac{h_{nep}}{b_1} \lambda^*, \quad \xi_{23} = \alpha \frac{h_2}{a_1}, \quad \xi_0 = \frac{V_1}{V_0}, \quad (33)$$

бу ерда  $S_{01}, S_{02}, S_{03}$  – бинонинг бир қаватининг учта координата текислигидаги кўндаланг кесими юзалари;  $S_{11}, S_{22}, S_{33}$  – координаталар текислигида бинонинг бир қаватини ташкил қилувчи ёпмаларнинг кўндаланг кесимларини йиғиндиси;  $\lambda^*$  – ораёпма плиталарининг кўндаланг кесимларида бўшлиқларни ифодаловчи коэффицент. (33) ифодадаги  $\alpha$  коэффицент бино конструкциясининг ячейкасимон тузилишига боғлиқ ҳолда аниқланади.

Био ва хоналарнинг, ораёпмаларнинг ўлчамларига боғлиқ равишда юқорида келтирилган юзалар ва ҳажмларни аниқлаш қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$S_{01} = b_1 H, \quad S_{02} = a H, \quad S_{03} = a b_1, \quad (34)$$

$$S_{11} = 2b_1 h_1 + b_1 h_2 + H h_{nep}, \quad S_{12} = 2b_1 h_1 + b_1 h_2, \quad (35)$$

$$S_{22} = 2a h_1 + a h_2 + 2H h_1 + (k-2)H h_2, \quad S_{33} = 2b_1 h_1 + a h_2 + (k-2)b_1 h_2.$$

Бинонинг конструктив ўзига хос хусусиятларини аниқлаш бўйича қуйидаги ифодаларини (33, 34, 35) га асосан ёзиш мумкин.

$$\xi_{11} = \alpha \frac{S_{11}}{S_{01}}, \quad \xi_{22} = \alpha \frac{S_{22}}{S_{02}}, \quad \xi_{33} = \alpha \frac{S_{33}}{S_{03}}, \quad (36)$$

$$\xi_{12} = \alpha \frac{S_{12}}{S_{01}}, \quad \xi_{13} = \alpha \frac{G_{nep}}{G_0} \frac{h_{nep}}{b_1} \lambda^*, \quad \xi_{23} = \alpha \frac{G_2}{G_0} \frac{h_2}{a_1},$$

бу ерда:  $S_{01} = E_0 b_1 H, \quad S_{02} = E_0 a H, \quad S_{03} = E_0 a b_1, \quad (37)$

$$S_{11} = 2b_1 h_1 E_b^{(1)} + b_1 h_2 E_b^{(2)} + H h_{nep} E_{nep}, \quad S_{12} = 2b_1 h_1 E_b^{(1)} + b_1 h_2 E_b^{(2)},$$

$$S_{22} = 2a h_1 E_b^{(1)} + a h_2 E_b^{(2)} + 2H h_1 E_b^{(1)} + (k-2)H h_2 E_b^{(2)}, \quad (38)$$

$$S_{33} = 2b_1 h_1 E_b^{(1)} + a h_2 E_b^{(2)} + (k-2)b_1 h_2 E_b^{(2)}.$$

бу ерда  $G_{nep}$  – био ораёпмасининг силжиш модули;  $G_2$  – ички деворларнинг силжиш модули;  $E_b^{(1)}$  – ташқи деворларнинг эластиклик модули;  $E_b^{(2)}$  – ички деворларнинг эластиклик модули;  $E_{nep}$  – ораёпмаларнинг эластиклик модули.

2.5 бўлимда чекли айирмалар усулини қўллаш асосида био ва иншоотларни зилзилабардошлиги динамик масалаларини сонли ечиш усуллари ишлаб чиқилган. Фазовий координаталар бўйлаб кўчишлар ҳосилаларини аппроксимацияси учун марказий айирмалар схемалари ифодаларидан фойдаланилди.

Фазовий координаталар ва вақтлар бўйича ҳисоблаш қадамлари



қуйидагича танланди:

$$\Delta x_1 = \frac{a}{N}, \quad \Delta x_2 = \frac{b}{M}, \quad c\Delta t = k \min(\Delta x_1, \Delta x_2), \quad \text{бу ерда: } k < 1$$

$$c = \sqrt{\frac{E}{\rho}}, \quad N, M - \text{бўлақлар сони.}$$

$$\Delta x_1 = \Delta x \cdot a, \quad \Delta x_2 = \Delta y \cdot b. \quad (39)$$

Қуйидаги ифодалар орқали ўлчамсиз координаталарга ўтиб, олинган

$$\Delta x = \frac{1}{N}, \quad \Delta y = \frac{1}{M}, \quad \Delta \tau = k \frac{a}{H} \Delta x. \quad (40)$$

Диссертациянинг **“Пластинасимон континуаль модель асосида бинони фазовий ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи бобида келтирилган эластиклик модули, зичлигини аниқлаш услуби ва конструкция элементларини механик характеристикаларини ҳисобга олган ҳолда биноларнинг пластинасимон моделининг динамик ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган. Биноларнинг сейсмик устуворлигини умумий масалалари шакллантирилган. Тузилишини конструктив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда биноларнинг фазовий континуаль модели танланган.

Бобда чекли айирмалар усулини қўллаган ҳолда сейсмик тебраниш масаласининг сонли ечими қурилган. Таклиф қилинган пластинасимон континуаль модель доирасида сейсмик таъсирда бинонинг динамик ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган. Пластинасимон модель доирасида турли қаватли бинонинг хусусий частотаси ва даврлари аниқланган.

Хона панеллари учун физик-механик характеристикалар қуйидагича қабул қилинган: юк кўтарувчи эгилувчи панелларнинг эластиклик модули  $E=20000 \text{ МПа}$ ; зичлиги  $\rho=2700 \text{ кг/м}^3$ ; Пуассон коэффиценти  $\nu=0.3$ . Силжишга ишловчи панеллар учун механик характеристикалар эса қуйидагича қабул қилинган: эластиклик модули  $E=7500 \text{ МПа}$ ; зичлиги  $\rho=1200 \text{ кг/м}^3$ ; Пуассон коэффиценти  $\nu=0.3$ .

Қалин пластинасимон континуаль модель доирасида бино мажбурий тебранишининг ҳисоблаш натижалари бино ораёпма плиталарининг қуйидаги ўлчамлари учун олиб борилган:

$$h_1 = 0.25 \text{ м}, \quad h_2 = 0.2 \text{ м}, \quad h_{\text{пер}} = 0.2 \text{ м}, \quad a_1 = 7.5 \text{ м}, \quad b_1 = 3 \text{ м}, \quad a = 30 \text{ м}, \quad H = 11 \text{ м}.$$


У ҳолда (31, 32, 33) ифодалардаги келтирилган эластиклик модули ва зичликларининг  $\xi_0, \xi_{11}, \xi_{22}, \xi_{33}, \xi_{12}, \xi_{13}, \xi_{23}$  коэффицентлари қуйидаги қийматларни қабул қилади:

$$\xi_0 = 0.167, \xi_{11} = 0.13, \xi_{22} = 0.1, \xi_{33} = 0.103, \xi_{12} = 0.063, \xi_{13} = 0.066, \xi_{23} = 0.027,$$

$$E_1^{np} = 2600 \text{ МПа}, E_2^{np} = E_3^{np} = 2000 \text{ МПа},$$

$$G_{12}^{np} = 480 \text{ МПа}, G_{13}^{np} = 520 \text{ МПа}, G_{23}^{np} = 200 \text{ МПа}, \rho_{np} = 451 \text{ кг/м}^3.$$

